

РАНГТАСВИР МАШҒУЛОТЛАРДА ГРИЗАЙЛДА ИШЛАШ ТЕХНИКАСИ

Худойназарова Ўзгилрой Шарифовна¹, Azamatova Farida Qilichbek qizi²

*¹А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси кафедраси ўқитувчиси,²Тасвирий санъат ва МГ йўналиши
талабаси, Жиззах, Ўзбекистон
e-mail: xudonazarova.88@mail.ru*

***Аннотация:** Мақолада тасвирий санъатда рангтасвир машғулотларида, гризайль усулда ишлашни техникаси ва унинг аҳамияти, гризайль ҳақида тушунча, ранг тусларини ажрата олиш учун амалий кўрсатмалар берилган. Гризайль усулда чизиш техникаси ҳақида амалий маслаҳатлар берилган.*

***Калит сўзлар:** Рангтасвир, гризайль, ахроматик, хроматик, ҳажм, нисбат, кўмир, сангина, соус, ретуш, реалистик*

Графические методы в гризайлье в покраске обучения

***Аннотация:**Статья содержит практические инструкции в изобразительных искусствах, в методах рисования, и важность грационирования методов, его важности, концепции цвета.*

***Ключевые слова:**Живопись, гризайль, арроклат, хрономатический, размер, родной, уголь, сангина, соус, ретуш, реалистик*

Techniques of grilling in painting lessons

***Annotation:**The article provides practical instructions for painting lessons in fine arts, the technique of working with grizzly bears and its importance, the concept of grizzly, to distinguish colors*

***Key words:** painting, grizzly, achromatic, chromatic, volume, ratio, charcoal, sangina, sauce, retouch, realisti*

Тусни аниқлашда йўл кўйилган хато нотўғри ранг беришга олиб келади, шунинг учун тусни тўғри идрок қилиш рассом учун жуда муҳим. Шундан ҳам кўриниб турибдики ранг ва тус ўзаро бир-бирига боғлиқ тушунчалардир. Бўлғуси рассомлар учун яна шуни билиб кўйиш фойдалики, ёруғ кунда машқ қилган кўз рангнинг 180 тусини, тўқлигининг 10 поғонасини фарқлай олади. Тафаккури камол топган инсон кўзи ранг туслардан тахминан 360 тасини фарқлай олади. Ранглар ахроматик ва хроматик рангларга бўлинади. Ахроматик (оқ ва қора) ранглар фақат ўзаро тус нисбатлари билан бир биридан фарқланади. Хроматик ранглар деганда барча рангли бўёқлар тушунилади. Бу рангларнинг

ёрқинлиги ахроматик ранг бўлган кулрангдан бошқачалиги билан фарқланади. Агар бир хроматик рангга кулранг қўшилса, у хира тортиб, оч-тўқлиги ўзгаради. Ранглар илиқ ёки совуқ ранглар бўлиши мумкин. Шунингдек натюрморт ишлаш жараёнида яна қарама-қарши рангларга ҳам дуч келамиз. Ҳар қандай ахроматик ранг тўқ ранглар орасида очариб кўринса, оч ранглар орасида эса тўқлашиб кўринади. Бу тус контрастлари дейилади. Ёнидаги ранг таъсирида ранг туси ўзгариши ранг контрасти дейилади.

Шубҳасиз, реалистик рангтасвирда тус ҳал қилувчи муҳим аҳамиятга эга. Тусларни ўрганиш учун бошловчи рассом аввало бир хил ранглар (гризайль)да ранглавҳалар бажаришни машқ қилиши керак. Ранглавҳа (французча *etude* - ўрганиш; меҳнат, натурадан бажарилган маъносида) - бу рассом ўзининг касбий кўникмаларини такомиллаштирадиган, тасвирни жозибали, ҳаққоний тасвирлаш машқи ҳисобланади. Бу машқлар ёш рассомларнинг рангда ишлашдан олдинги тайёргарлик босқичи бўлиб, рангтасвир техникасини эгаллашда жуда катта фойда беради. Ўқув жараёнини бочқичларга ажратиш билан тус нисбатларини ўрганиш муаммоларнинг ечимини топиш мумкин: рангтасвир машғулотларидаги биринчи босқич – бу картинадаги туслар нисбатини аниқлаш ва ишлов бериш, яъни берилган вазифани “гризайль” техникасида бажариш ҳисобланади. Шунинг учун ўқув жараёнида талабаларга гризайль техникасида ишлашни ўргатиш мақсадида бу машғулотлар ўқув дастурларига киритилиб, бу вазифаларни бажариш талабалар учун шарт қилиб белгилаб қўйилган.

Ҳозирда йўналтирилган махсус лицей, коллеж, Олий ўқув юртларининг тасвирий санъат йўналишларида натюрморт ёки қиёфачи тасвирини ишлашда унинг ҳажмдорлигини ифодалаш учун рангтасвир ва қаламтасвир машғулотларида гризайль усулидан кўп фойдаланилади. Узоқ муддатли бир неча сеансга мўлжалланган машғулотда композициянинг ёруғ-соя, оч-тўқ жойларини, ҳажм нисбатларини ўрганиш, бирор ранг суртмасининг бошқа ранглардан отилиб олдинга чиқиб кетмаслиги учун бутун композиция ранглар уйғунлигини (худди яхши оркестр каби) энг ёруғ жойга нисбатан бўйсундириш талаб этилади. Бунда фақат тўқ қора рангларга суяниб қолиш керакмас, қўйилган натюрморт

ёки қиёфачининг атрофидаги буюмлар таъсирида ҳосил бўлган фазовий бўшлиқни ифодалашга ҳаракат қилиш керак. Баъзи пайтлари бир хил рангларда ишлаш жараёнида рассом тус нисбатларини шунчалик аниқ олиши мумкинки, бу ишда бутун ранглар уйғунлиги ҳатто ҳар бир буюм ва материалнинг рангларини яққол ҳис қилиш мумкин бўлади. Буни санъат усталари яхши билишган.

Шунинг учун рангтасвир асарнинг биринчи босқичини гризайль усулида бошлаб рангда тугатишган. Бир хил рангдаги акварель бўёғида эса рассомлар асосан мавзули картиналарга эскиз ёки китобларга иллюстрациялар ишлашда кўпроқ фойдаланишган. Гризайлни рангтасвир ва қаламтасвир оралиғидаги боғлаб турувчи кўприк деса ҳам бўлади.

Кўпчилик гризайль техникасини рангтасвирнинг энг оддий ва зерикарли тури деб ўйлашади, лекин бу умуман нотўғри. Гризайль бошловчи рассомларга керакли рангларни излашга чалғиб кетмасдан тус ва ҳажм муносабатларини ҳис қилиш ва тушуниб етишларини таъминлайди.

Рассом тусларнинг уйғунлигини тўғри топиши ва шундай жойлаштириши керакки улардан ҳеч қайсиси берилган ранглар гаммасидан бўртиб олдинга чиқиб қолмаслиги керак. Масалан: гуашда ишлашдан олдин тасвирнинг барча бўлақлари қаламда яхшилаб чизиб олиб, кейин унинг тус жиҳатларига рангда ишлов бериш керак.

Оқ-қора рангларда ишлашга киришар эканмиз, аввало қўйилган натюрморт композициясини синчиклаб кузатиб чиқамиз. Қўйилмадаги буюмлар тушаётган ёруғлик манбаига нисбатан, турган жойига қараб буюмларнинг баъзи жойлари ёрқинроқ баъзи жойлари тўқроқ кўришиб, буюмнинг кўпроқ ёки озроқ қисмига яримсоя тушиб туради. Буюмни кузатиб унга тушаётган ёруғлик таъсирида биз бу буюмни кузатиш ва тасвирлаш имконига эга бўламиз. Тушаётган ёруғликнинг қайси томондан қандай тушаётганига қараб натюрмортнинг қайсидир кўриниши чиройлироқ, жозибалироқ кўринади. Биз бу кўринишни топиб олишимиз ва шу нуқтадан тасвирлашимиз лозим бўлади. Ҳозирда кўпгина рассомлар гризайлда ишлашни ўқув ишлари ва ижодий ишларга ажратади. Ўқув ишлари тус билан ишлаш кўникмаларини оширишга мўлжалланган бутун бир мустақил иш

ҳисобланади. Ижодий иш эса турли туман ранглар уйғунлиги гўзаллигини ифодалайдиган мустақил ижодий асар ҳисобланади. Бундан ташқари ўқув ишларида кўмир ва мойли қаламларда ишлашга ҳам рухсат берилса, ижодий ишларда фақат бўёқларда бажарилади. Бугунги кунда рассомлар гризайлда ишлаганларида ўзлари ўйлаган фикрни бера олиш учун хоҳлаган рангни ишлатишлари мумкин. Масалан: гризайль жигарранг, кулранг ёки сирень ранги бўлиши мумкин, асосийси битта рангда ишлаш, лекин хоҳлашса оқ бўёқдан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Гризайль акварелда, гуашда, мойбўёқда ишлаш методикасини эгаллашнинг бошланғич босқичларида, тасвирлаш воситаларининг таркиби ва ўзига хослигини ўрганишда, оддий машқлардан мураккаб вазифаларни бажариш машғулотларига ўтиш учун жуда қулай.

Биринчи курсда, акварелда рангтасвир ишлашнинг илк босқичида мўйқаламда туслаш машқлари бажаришга кўпроқ аҳамият бериш керак бўлади. Акварель техникасида тус муносабатларини топишни етарли даражада ўзлаштирган талабалар кейинги машғулотларда берилган вазифаларни қийналмасдан бажаришади.

Иккинчи курсда талабалар бошқа муаммо билан дуч келишади. Бу акварель техникасидан мойбўёқ техникасига ўтиш босқичи бўлиб, вазифанинг мураккаблиги шундаки, улар таркиби, хусусияти ва техникаси умуман бошқа бўлган тасвирлаш воситасида ишлашга ўтишади. Шунинг учун гуашь бўёғи хусусиятлари билан танишиш учун ҳам бошланғич машғулотни айнан гризайль техникасида бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчи курсда гуашдан мойбўёқ техникасига ўтиш муносабати билан яна бир худди шундай муаммога дуч келишади. Пастки курсларда талабалар фақат натюрморт ишлашган бўлса, энди улардан инсон бош тасвири (портрет), кейинчалик эса бутун гавда тасвирларини ишлашга тўғри келади.

Инсон қиёфаси рангтасвирини ишлашни ўрганиш жараёнини бир неча бир - бирига боғлиқ бўлган босқичларга бўлиш мумкин. Улардан биринчиси портретни гризайль техникасида бажариш.

Юқорида айтилганлар рангтасвирни ўрганишнинг бошланғич босқичида гризайль техникасида бошлашнинг аҳамияти катта эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

Агар бўлажак тасвирий санъат ўқиувчиси, ёш рассом аввало тус ва ҳажм жиҳатларини илғашни ўрганишса ҳамда қоғоз ёки матода ифодалай олишса, уларнинг ишлари ёрқин, қизиқарли ва чуқур маънодор чиқади. Бундан ташқари гризайль – бу асарни ўзи хоҳлаган ранглар уйғунлигида тасаввур қилиш ва фантазия қилишга имкон берадиган рангтасвир туридир. Умуман олганда шундай хулосага келиш мумкинки гризайль техникаси талабаларнинг рангтасвирни ўрганишининг бошланғич босқичида ҳам, тажрибали рассомлар образли картиналар яратишида ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўқув машғулотлар жараёнида гризайлда ишлашга доир бир неча вазифалар кўриб чиқилади. Бу вазифаларга шакл қурилиши билан туснинг ўзаро боғлиқлиги ҳам киради. Талаба бир хил рангларда ишлашни бошлашидан олдин шаклни ранг доғлари ёрдамида қуриш учун ранг суртмаларини керакли жойга қандай қўйиш, буюмнинг шакл ва ҳажм жиҳатдан қандай қурилганлиги ҳақида етарли тушунчаларга эга бўлиши керак.



Гризайль техникасида буюм сиртлари, шаклларининг рўпарадан (фас), ёндан, устан ва кўндаланг кўринишларини таҳлил қилиш қулайроқ кечади. Бу машғулотлар жараёнининг бошланишида фақат акварелда эмас, темпера, мойбўёқ, акрил каби бўёқларида ҳам ишлашни тавсия қилиш мумкин. Бу бўёқларнинг хусусиятлари босқичма-босқич батафсил майда бўлақларигача ишлаб бориш ва бузилган жойларни устидан тўғрилаш имконини беради. Келтирилган намуна сифатидаги гизайл усулида ишланган натюрморт мойбўёқ да чизилган.

Бундан ташқари мўйқаламларда бир хил бўёқ билан ишлар эканмиз, ҳажми хар хил оч-тўқликдаги ранг суртмалари ёрдамида қуриш билан рангтасвирда тусларнинг аҳамиятини тушуниб борамиз. Бу усулда амалий ишлар бажариб, туслар билан ишлаш рассом учун рангтасвирни англаб етиш имконини беради.

Туслар кўлами - бу ёруғлик, ярим соя, соялар, кузатилаётган натурадаги мутаносиб тусларнинг оч-тўқлик даражалари. Туслар кўламини яратишда

кузатилаётган кўринишни ҳаққоний ифодалаш учун зарур бўлган бадиий тасвирлаш воситалари: қалам, кўмир, сангина, соус, ретуш ва бошқа бўёқ турлари (акварель, гуаш, акрил бўёғи, мойбўёқлар)нинг натурадагига нисбатан оч-тўқлик даражаси камроқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳ.Э.Султанов “Рангтасвир(гризайлда рангтасвир ишлаш)”Тошкент- 2013
- 2.Т.Кўзиёв; А.Эгамов “Рангтасвир” (5-9 синфлар учун) Тошкент-2008.
- 3.Р. Ражабов, Ҳ. Султанов. Тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси. (ўқув кўлланма) Тошкент 2008.
- 4.С.Ф. Абдирасилов, Б. Азимов «Рангтасвир». Т.: Муסיқа нашриёти

2011